

АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВ АСОСИДА АЛОҲИДА ИШ ЮРИТУВ ТАРТИБИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Косимов Жамшид Рустамович

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистри.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18885428>

Айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувлар турли шаклларда норасмий тарзда барча даврларда мавжуд бўлган ва жиноят процессининг барча турлари (инквизицион, тортишув, аралаш) учун хос эди. Ж. С. Кокберннинг фикрича, бу тизимдан фойдаланишнинг дастлабки уринишлари АҚШда эмас, балки Англияда содир бўлган¹.

АҚШнинг жиноят процессида айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувлардан фойдаланиш кўп жиҳатдан Америка ҳуқуқ тизими ривожланишининг ўзига хос тарихий шароитлари билан изоҳланади. Унинг асосига англо-саксон умумий ҳуқуқи қўйилган бўлиб, айти пайтда у америкача миллий хусусиятларни ўзлаштирди.

Шу билан бирга, АҚШ жиноят процессининг ўзига хос хусусиятлари кўп жиҳатдан ушбу мамлакатнинг бутун ҳуқуқ тизими (инглиз-саксон модели) хусусиятларига боғлиқ.

Бу тизимда процессуал ҳуқуқ нормалари моддий нормаларга нисбатан устувор бўлиб, хусусий ва оммавий, фуқаролик ва маъмурий ҳуқуқ ўртасида аниқ чегараланиш йўқ. Таъкидлаш жоизки, Америка жиноят процесси фуқаролик процесси билан узвий боғлиқ бўлиб, асосан фуқаролик-ҳуқуқий тамойилларга асосланади. Американинг «жиноий даъво» концепциясига асосланган процессида диспозитивлик принципи ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу айбловнинг тузилишида, суднинг исботлаш жараёнидаги чекланган ролида яққол кўринади. Бунда суд нафақат далилларни тўплашда, балки уларни ўз хоҳишига кўра баҳолашда ҳам чекланган бўлиб, жиноят ишининг бориши ва яқунланиши натижалари процесс иштирокчиларининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлади.

Тарихий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, инглиз-америка ҳуқуқий тизимига мансуб мамлакатларда тўлақонли суд жараёнларининг «олтин даври» бўлмаган. Ю.В. Кувалдина таъкидлаганидек, «1800-1850 йилларда оғир жиноятларда гумонланиб, айбланган шахсларнинг аксарияти ҳакамлар ҳайъати олдида жавоб берган. Бирок, ишни эшитувнинг ўзи қисқа ва расмий характерда бўлган². XVIII аср охирида АҚШ штатлари судларида битта ишни кўриб чиқиш ўртача ярим соатдан ошмаган. Шу сабабли, келишув асосида айбни тан олишни ишларни тез кўриб чиқишнинг асосий сабаби деб ҳисоблаб бўлмайди. Келишув асосида айбни тан олиш фақат иш юритувнинг услуб ва жойни ўзгартирди: тезкор одил судлов ҳакамлар ҳайъати ўринидигидан суд биноси йўлақларига, судьялар хоналарига ва адвокатлар идораларига кўчиб ўтди³.

Америка жиноят-процессуал адабиётида айбга иқдорлик келишуви (Plea Bargaining)нинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд: уни суд жараёни пайдо бўлиши билан вужудга келган, аммо ҳужжатларда қайд этилмаган ҳодиса деб ҳисоблашдан тортиб, то умумий ҳуқуқ тарихининг кўп қисмида айбга иқдорлик музокаралари деярли номаълум бўлганлигини таъкидлашгача. Баъзи олимлар айбга иқдорлик институти асрлар давомида мавжуд бўлганини ва айрим айблов ҳукмлари айнан шу институтни қўллаш натижаси эканлигини таъкидлайдилар.

¹ Cockburn, J. S. Trial by the book? Fact and Theory in the Criminal Process. In Legal Records and the Historian, ed. by J. H Baker. 1978.

² <http://repo.ssau.ru/bitstream/Aktualnye-problemy-sovremennogo-ugolovnogo-processa/Sdelka-o-priznanii-viny-opyt-ugolovnogo-sudoproizvodstva-SShA-65051/1/%D0%A1.%20198-214.pdf>

³ Alschuler A. Plea Bargaining And Its History. Columbia Law Review. 1979. Vol 79 №1. P.4

Маълумки, XVIII асрда Англия қонунчилигида суд хатосининг олдини олиш мақсадида жиноят иши бўйича суд олдидаги ҳар қандай келишувлар тақиқланган. XVIII асрдаги ҳуқуқий рисолалар ва суд ишлари тўғрисидаги тарихий маълумотлар шуни кўрсатадики, кўп асрлар давомида Англо-Америка судлари айбга иқдор бўлишни рағбатлантиришдан ташқари, аксинча, унга фаол қаршилиқ кўрсатганлар. Эҳтимол, айбга иқдор бўлиш камдан-кам учрайдиган ҳодиса бўлганлиги ва ҳатто ихтиёрий иқдор бўлиш ҳам рағбатлантирилмаганлиги сабабли, судлар ихтиёрийлик тушунчасининг маъносини фақат суддан ташқари иқдорликлар билан боғлиқ ҳолатларда шакллантирганлар.

Бироқ, бу ҳолатларда ишлаб чиқилган тамойиллар айбга иқдорлик тўғрисидаги музокараларнинг умумий ҳуқуқнинг анъанавий қоидаларига мутлақо зид эканлигини кўрсатган. Иқдорлик тўғрисидаги ишларнинг энг машҳури Рексинг Уориксхоллга қарши иши (1783) бўлиб, унда суд «илтифот ваъдалари» орқали олинган ҳар қандай иқдорликни номақбул деб топган. Ушбу иш доирасида суд умид васвасаси ёки қўрқув азобидан келиб чиққан иқдорлик шунчалик шубҳалики, унга ишонмаслик керак, деган хулосани илгари сурган.

Шу муносабат билан ушбу ҳодисанинг шаклланишидаги биринчи босқич, яъни процессуал хусусиятга эга бўлмаган ва суд қарорларида қайд этилмаган Plea Bargainingнинг яширин ривожланиш даври сифатида белгилаш лозим.

XVIII аср охирида АҚШ штатларида айрим фаолият соҳаларини ҳуқуқий тартибга солишнинг кучайиши билан боғлиқ баъзи маҳаллий шароитлар ўзгарди. Масалан, айрим штатларнинг алкоголь сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги қонунчилиги жорий этилиши муносабати билан жиноятлар сони кескин кўпайди. Бироқ, судлар корпусининг таркиби, яъни сони ўзгаришсиз қолаверди. Ушбу вазиятни ҳисобга олган ҳолда, штат прокурорлари судьяларнинг иш юкини камайитириш мақсадида келишувлар тузиш бўйича янги амалиётни қўллаш бошладилар. Масалан, 1808 йилда штат судларидан бирида спиртли ичимликларни лицензиясиз сотишда айбланган Ж. Стивенснинг иши кўриб чиқилган. Агар иш одатдаги тартибда кўрилганда, суд жараёни ҳафталаб, ҳатто ойлаб чўзилиши мумкин эди. Аммо прокурор Стивенсга тўртта айб қўйган эди.

Биринчиси - ноқонуний бизнес юритиш, иккинчи ва учинчи айбловлар – икки маротаба ноқонуний равишда спиртли ичимликлар савдоси, тўртинчи айблов - «дўкон»да харидорларга унинг ҳузурида спиртли ичимликларни истеъмол қилишга рухсат бериши бўлган. Прокурор айбланувчига, агар у айбини тан олса ва узоқ муддатли суд мажлисларидан воз кечса, биринчисидан ташқари барча айбловларни олиб ташлашни таклиф қилди. Стивенс ўз айбини тан олди ва 6,67 доллар жарима ҳамда суд харажатлари учун 47,12 доллар тўлайди. Агар келишувга рози бўлмаганида жарима миқдори тўрт баробар ошиб, харажатлар миқдори жараённинг охиригача ўсишда давом этарди. Бунинг натижасида айбловчи ишни ютган, судья ортиқча ташвишлардан қутулган, айбланувчи эса нисбатан енгил жазо олишига олиб келган. Шу тариқа, айбланувчига унга қўйилган айбловлар бўйича прокурор билан келишув тузиш имконини берувчи прецедент яратилган.

Шундай қилиб, XIX аср бошларида Plea Bargaining институтининг ривожланишида янги босқич бошланди. Аблов томони билан келишув амалиёти кенг тарқалиб, кейинчалик оғирроқ жиноятларга нисбатан ҳам қўлланила бошланган.

Масалан, 1814 йилда Арчибалд Макинтайр ва Уилям Флетчер⁴ учинчи шахсга тан жароҳати етказганликда айбланиб, судга жалб қилинган.

Макинтайр айбини тан олади, Флетчер эса ўзининг айбсиз эканлигини таъкидлаб, судда ютқазди. Натижада иккаласи ҳам 5 доллар жаримага тортилди, бироқ Макинтайр суд харажатлари учун атиги 4,76 доллар тўлаган бўлса, Флетчер 39,53 доллар тўлади. Суд Макинтайрнинг айбини осонгина исботлай оларди, аммо молиявий ва вақт сарфини камайтириш мақсадида суд жараёнини ўтказмасликни маъкул кўрди⁵.

Исботлаш жараёнида ресурсларнинг кескин танқислигини ҳис қилган штат бош прокурори (аттомейс-генерал) идораси прокурорлари қисман бўлса-да, айбини тан олган судланувчилар билан келишув излаш амалиётига фаол мурожаат қила бошладилар.

Ушбу кейслар Plea Bargainingни (айбига иқдорлик келишувини) жорий этиш бутун АҚШ ҳудудида кенг тарқалган ва оммавий тус олди, деган маънони англатмас эди. XIX аср бошларидаги суд ҳисоботлари ҳам буни тасдиқлайди, яъни ўша даврда айбланувчиларнинг ўз айбига иқдор бўлиши, аксарият ҳолларда, суд томонидан жазо тайинлашда ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келмаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Plea Bargainingни имкон қадар қўлламаслик амалиёти XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам сақланиб қолган, аммо айрим штат прокурорлар айбга иқдор бўлиш бўйича музокараларни бошлашган.

1841 йилда Массачусетсда номусга тегиш иши кўриб чиқилади. Бунда суд жараёнини чўзмаслик мақсадида айблов штат Бош прокурори томонидан икки қисмга ажратилади⁶. Ушбу кейсда айбланувчи номусга тегиш мақсадида хужум қилишда ва бевосита номусгада айбланган эди. Бироқ, исбот қилиш қийинчиликларидан қутулиш мақсадида айбланувчига қўйилган биринчи банд бўйича айбини («хужум қилиш») тан олишни таклиф этилади. Натижада номусга тегиш жинояти учун эмас, балки режалаштирган иши учун жавобгарликка тортилади⁷.

1848 йилда худди шу Массачусетс штатида қотиллик иши бўйича «Plea Bargaining»ни қўллана бошланган⁸. Масалан, Барни Гулдинг исмли шахс хотини Эленнинг бошига урган, натижада у вафот этган. Гулдинг барча айбловларни рад этиб, ҳакамлик судини талаб қилган, бироқ адвокатлар уни айбини тан олишга кўндирганлар.

Натижада, Гулдинг осиб ўлдириш жазоси ўрнига икки йиллик қамоқ жазосини олган, судья ва прокурор ташвишлардан қутулган, адвокатлар эса қотилни дордан қутқаришга қодир мутахассислар сифатида обрў қозонишган⁹.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, агар 1850 йилда АҚШда барча терговларнинг 20 фоизидан камроғи келишувлар билан якунланган бўлса, 1890 йилга келиб бу кўрсаткич 60 фоиздан ошган¹⁰. Нью-Хейвенда (Коннектикут штати) 1888 йилда оғир жиноят ишларининг 75 фоизи айбни тан олиш билан якунланган; 1921 йилга келиб эса бундай ишлар 90 фоизни¹¹ ташкил этган.

⁴ Тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: <https://www.kommersant.ru/doc/2051283>

⁵ Commonwealth v. William Fletcher & Archibald McIntire, Middlesex Ct. C.P. R. Book 174

⁶ <https://www.kommersant.ru/doc/2051283>

⁷ Commonwealth v. Michael Larry, Sup. Jud. Ct. R. Book 363 (Suffolk, November 1841)

⁸ <https://www.kommersant.ru/doc/2051283>

⁹ Commonwealth v. Barney Goulding, Sup. Jud. Ct. R. Book 228 (Middlesex, October 1848).

¹⁰ Махов В.Н., Пешков М.А. Уголовный процесс США (досудебная стадия). Учебное пособие. - М: Интел-Синтез, 1998. С. 17.

¹¹ Moley R. The Vanishing Jury, 2 S. CAL. L. Rav. 97 (1928). Supra note 52, at 107.

Америка ҳуқуқ институти бундай кескин ўсишни айблов амалиётидаги ўзгаришлар билан изоҳлади. Эҳтимол, бундай ўсишнинг сабаблари орасида жиноят ҳуқуқи қўлами ва амал қилиш соҳасининг кенгайиши ҳамда АҚШда айнан шу даврда профессионал муаммога йўналтирилган полициянинг ташкил этилиши бўлиши мумкин.

Айбига иқдорлик келишувига доир ишларни юритиш борасидаги айрим норозиликка қарамай, XIX аср охири ва XX аср бошларида айбга иқдорлик бўйича музокаралар жиноий ишларни ҳал қилишнинг асосий усулига айланди. Бу жараён жиноят ҳуқуқи нормаларининг сезиларли даражада кенгайишига, хусусан, спиртли ичимликларни тақиқлаш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилинишига олиб келди ва шу билан бирга унга ҳисса қўшди. Провардида, спиртли ичимликлар савдоси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни жиноийлаштириш туфайли жиноий адлияга юклама бир неча баравар ошди. Ушбу қонунчиликни бузган шахслар айбига иқдор бўлиб, энг енгил жазо олганлар ва кейинчалик яна жиноят содир этишга қайтганлар. Бу эса, ўз навбатида, «конвеер одил судлов» деб аталувчи, яъни ўхшаш ишлар бўйича тезда намунавий ҳукмлар чиқарилиши амалиётининг пайдо бўлишига олиб келди.

Оқлов ҳукмлари сонининг камайиши билан бирга жорий этилган бу амалиёт, биринчи навбатда, ўша даврдаги «жиноятчилик устидан назорат» тарафдорлари томонидан қаттиқ танқидга учради. Жумладан, таниқли америкалик процессуалист Жон Уигмор шундай таъкидлаган: «Нуксонли жиноий процедура туфайли ушлаб туриш (жазолаш таҳдиди) функцияси тўхтаб қолган»¹².

Дарҳақиқат, «Келишув»га рози бўлган айбланувчилар ўртача енгилроқ жазо олишган. Прокурорлар учун келишувлар оқланиш хавфи юқори бўлган ишларда айбловга эришиш ва вақтни тежашнинг ишончли усули бўлган бир пайтда, ҳимоя учун бу ўз манфаатларини қўзлаган янги стратегияга айланди.

Ушбу институтнинг тарқалиши турлича баҳоланди. Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрича, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институти амалиёти қонунийлик тамойилига зид равишда олиб борилган. Хусусан, Йел университети профессори Ж. Ленгбейн бу ҳақда шундай ёзган эди: «Одил судлов билан тузилган келишувларнинг моҳияти таҳдиддан иборат. Конституциявий суд ҳуқуқингдан фойдаланмоқчимисан?

Марҳамат! Аммо шуни билгинки, агар бу ҳуқуқингдан фойдалансанг, сени янада қаттиқроқ жазолаймиз»¹³.

Кейинги ўн йилликларда Америка жиноят судлари айбга иқдор бўлишга янада кўпроқ таянадиган бўлди, бироқ АҚШ Олий суди ҳамон айбга иқдорлик келишувларини расман тан олишдан тийилиб келди.

Хусусан, «United States v. Jackson» иши бўйича қарорида АҚШ Олий суди қўлланилган қонун Конституцияга зид эканлигини таъкидлади, чунки у «айбланувчини ўлимдан шунчалик кўрқитдики, у Конституциянинг 6-тузатишида кафолатланган қасам ичганлар суди ҳуқуқидан воз кечди, шунингдек, судланувчини 5-тузатишни бузган ҳолда ўзига қарши гувоҳлик беришга мажбур қилди»¹⁴.

XX асрнинг иккинчи ярми Plea Bargaining институти ривожланишининг учинчи, замонавий босқичи бошланиши даври бўлиб, бу босқичда унинг Конституцияга мувофиқлиги тасдиқланди ва ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

¹² Wigmore, *Juvenile Court vs. Criminal Court*, 21 ILL. L. RaV. 375, 377. 1926.

¹³ Langbein J.H. *Compative Criminal Proctdure*. St.Paul, 1977. P.82.

¹⁴ United States v. Jackson, 390 U.S. 570 (1968)

Ўтган 60 йилларда Эрл Уоррен раҳбарлигидаги либерал АҚШ Олий суди томонидан амалга оширилган «процессуал инқилоб» айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувларнинг тарқалиши ва шаклига сезиларли таъсир кўрсатди. Масалан, Маппнинг Огаёга қарши иши бўйича 1961 йилда Олий суд далилларни истисно қилиш қондасини штат судларига татбиқ этганда, ҳимоячилар ўз музокара позицияларини мустаҳкамлаш учун кучли воситага эга бўлдилар: энди далиллар Конституцияга ҳилоф равишда олинганини аниқласалар, уларни истисно қилиш тўғрисида ариза бериш таҳдиди орқали янада фойдали келишувларга эришишлари мумкин эди.

Айбни тан олиш бўйича музокараларнинг конституциявийлиги ва уларнинг ҳуқуқий асослари Brady v. United States (1970) ишида ўрнатилган¹⁵. АҚШ Олий суди ўша қарорда ўзининг Plea Bargaining тизимини тан олиши шартли эканлигини таъкидлаган.

Бундай шартлар айбни тан олишга ундовчи омиллар айбланувчиларнинг эркин ҳаракат қилиш қобилиятини йўққа чиқармаслиги ёки кўплаб бегуноҳ одамларнинг ўзини айбдор деб тан олишига олиб келадиган тарзда қўлланилмаслиги кераклигини талаб қилади, акс ҳолда бу конституциявийлик хусусида хавотир уйғотиши мумкин.¹⁶

АҚШ Олий суди томонидан Plea Bargaining тан олиниши унинг жиноий суд жараёнларида янада кенг тарқалишига олиб келди. 1970 йилларда олий суд бўғинларида иқдорлик келишуви 92-93% ҳолларда тузилди ва 1981 йилга келиб кўриб чиқиладиган жиноят ишлари умумий сонининг 98 фоизига етди. Умуман олганда, мамлакат бўйича маълумотлар шуни кўрсатадики, айбни тан олиш келишувлари асосида жиноят ишларини ҳал қилиш амалда оқимга айлантирилган. Яъни, «конвеер одил судлови» тизимида оғир жиноятлар учун айбланаётганларнинг 100 фоизидан 90 фоизигача, енгил жиноятлар учун эса 100 фоизидан 95 фоизигача жиноятни содир этганлигини тан олиш асосида ва ишни ксам ичган судьялар иштирокисиз кўриб чиқиш орқали ҳукм қилинади. Бунда судда битта жиноят ишини кўриб чиқиш учун 1 дақиқадан 4 дақиқাগача вақт сарфланади¹⁷.

Шуни таъкидлаш керакки, Олий суд томонидан тан олинган келишувлар амалиёти икки томонлама хусусиятга эга эди. Бир томондан, у айбдорларнинг жазосини енгиллаштирган бўлса, бошқа томондан, айбсиз шахсларни жазога тортишга имкон берарди ва кўпинча полиция ҳамда прокурорлар томонидан кўрқитиш воситаси сифатида қўлланиларди. Келишув тузишдан бош тортганлар эса кўпинча ҳаддан ташқари оғир жазога ҳукм қилинади.

Айбга иқдорлик келишувининг ривожланишидаги муҳим босқич 1974 йилда, АҚШ округ судларининг Федерал жиноий судлов қоидаларида 11-қоида кўринишида меъёрий тартибга солинганида бошланди¹⁸. Ушбу қоида айбга иқдорлик масаласини муҳокама қилишнинг тўғрилигини тан олиш, судда айбга иқдорлик келишуви мавжудлиги фактини эълон қилиш, шунингдек, суд томонидан айбга иқдорлик келишувини қабул қилиш ёки рад этиш усуллари таъминлаш учун мўлжалланган айбга иқдорлик келишувини тузиш тартибини назарда тутган.

¹⁵ Brady v. United States, 397 U.S. 742 (1970). <https://supreme.justia.com/cases/federal/us/397/742/>

¹⁶ Ўша ерда.

¹⁷ Кувалдина Ю.В. Сделка о признании вины: опыт уголовного судопроизводства США // Актуальные проблемы современного уголовного процесса России. Самара, 2005. С. 207.

¹⁸ US Federal Rules of Criminal Procedure

https://www.uscourts.gov/sites/default/files/federal_rules_of_criminal_procedure_-_december_2020_0.pdf

Бундан ташқари, Қоидаларда айбга иқрорлик келишувида амалга оширилиши мумкин бўлган тўртта эҳтимолий ён бериш белгиланган: айблов томони жазони енгилроқ ёки бошқа боғлиқ жиноятга камайтиришни сўраши мумкин; ҳимоячи бошқа айбловларни бекор қилишни сўраши мумкин; адвокат муайян ҳукми маъқуллаши ёки унга эътироз билдирмаслиги мумкин; ҳимоя томони ҳукм ишнинг тўғри ечими эканлигига рози бўлиши мумкин.

2002-йилги ўзгартиришлар судга янги айбловларни қўймаслик тўғрисидаги айбга иқрорлик келишуви бўйича томонлар ўртасидаги ҳар қандай муҳокамаларда иштирок этишни тақиқлади. Бундан ташқари, Қоидага: судланувчи ҳукм чиқарилганидан сўнг ўз айбига иқрорликдан воз кеча олмайди, деган қоида қўшилди.

Нихоят, 2013-йилги ўзгартиришлар ўзини айбдор деб тан олган чет эл фуқароси бўлган айбланувчи, шу жумладан айбга иқрорлик келишуви доирасида ҳам, мамлакатдан чиқариб юбориш, кириш тақиқлаш ва АҚШ фуқаролигини олиш имкониятидан маҳрум қилиш каби иммиграция чекловларига дучор бўлиши кераклиги ҳақидаги қоида киритди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтини тартибга солиш ҳам федерал Америка қонунчилиги, ҳам штатлар қонунчилиги даражасида кўзда тутилган, бундай келишувлар қонун билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно (Аляска, Янги Орлеан, Калифорния, Мичиган).